

*Ўзбекистон Республикаси*  
*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги*  
*Самарқанд Давлат университети Тарих факултети*  
*Тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси*  
*Тарих фалсафаси фанидан*

# ***РЕФЕРАТ***

Мавзу: Гомернинг тарихий фалсафаси

Бажарди: Уринов А

Текширди: Абриев Х

Самарканд - 2015

## Мавзу:Гомернинг тарихий фалсафаси

Режа

- 1. Гомер жамияти*
- 2. Иллида*
- 3. Одиссея*
- 4. Басилей*
- 5. Патриархал куллик*

Кучиб бостириб келган дорийлар ахай илк кулдаорлик давлатларини тор – мор этдиоар ва заб этдилар, бунинг натижасида Болкон ярим оролининг жанубидаги ва унинг якин атрофида жойлашган ороллардаги ахоли яна кайтадан ибтидоий муносабатлари гирдобига ташланди. Ахай давлатининг хукмдорлари карам булган областларнинг хокимлари (пасиревелар) энди мустакил патриархал кабилаларининг бошликлари – басилевслар булиб колдилар. Ахей давлатларида мавжуд булган халк йигинларида энди катта ахамият касб этди. Крит – макена жамияти даврида шарк ва гарбий кушинлар билан жонланиб кетган алокалари энди сусайди.

Бронза даври урнига темир даври келди. Агар крит – мекена даврида синфларнинг ташкил топиши факат сохилдаги айрим районлардагина содир билиб, ахолининг купчилиги ибтидоий жамоа муносабатлари колган булса, эндиликда, эрамиздан аввалги XI – IX асрларда, синфларнинг ташкил топиши процесси хакикатда кадимги Грециянинг бутун территориясини камраб олди. Бу холл крит

– мекена маданияти тор – мор килингандан кейин содир булган вақтинчалик регрессив ижтимоий тараккиётининг такрорланиш имкониятига йул куйилмади. Қадимги Греция тарихининг эрамиздан аввалги XI – IX асрлар давомидаги даврини анъанага кура Гомер даври деб атайдилар. Бу ном афсонавий кур бахши Гомер номидан олинган булиб, уни қадимги греклар 4 «Илиада» ва «Одиссея» достонларининг автори деб ҳисоблайдилар. Бу давр ҳақидаги бизнинг билимимиз узок вақтгача Гомерга нисбатан берилган мазкур достонлардан маълумот олиб келди. Лекин ҳозирги вақтда эрамиздан аввалги XI – IX асрларга оид катта археологик материал топили, ҳар икка дастон мазмуни синчиклаб урганиш натижасида бу достонлар тарли вақтда ва узок вақт давомида юзага келганлиги исбот этилди, достонларнинг турли хусусиятлари турли даврларни акс эттириши исботланди. Шундай қилиб, «Гомер Грецияси» термини эскирди. Бутун қадимги Греция территориясида ибтидоий патриархал муносабатлар узил – кесил бузилган бу даврни оддийгина қилиб унинг хронологик саналари билан белгилаш қулайроқ булса керак, бу давр ҳақидаги билимларимизнинг ҳозирги даражасига мувофиқ келадиган бошқа ном ҳозирча топилган эмас.

Достонларнинг келиб чиқиши ва демак, улардаги маълумотларни сифати масаласи антик замондаёқ текшира бошлаганлар.

Тарих фани ривожлана бориши билан Гомер достонларининг келиб чиқиши ҳақидаги масалани

эрамизнинг XVII асрида Италияда Ж. Вико, XVIII асрнинг охирларида Германияда Фр. Волф янгидан уртага куйган эдилар. Бу икки олим дostonларининг халк ижодидан келиб чикканлигини этироф этганлар. Ана шу тарика юзага келган Гомер масаласи хозирга кадар узул - кесил хал килинган эмас.

Гомер масаласи юзасидан гоят куп адабиёт пайдо булганки, бу адабиётни уч асосий группага булиш мумкин: индивидуал ижод назариялари, халк дostonи назариялари, синтетик назариялар уз навбатида индивидуал ижод назариялари бу дostonлар турли вақтда яшаган шоирлар томонидан яратилган, деб даво килувчиларга ва унитарийларга, яъни дostonлар бир автор - Гомерники деб даво килувчиларга булинади.

XIX асрда турли шоирлар яратган "кичик кушиклар" деб аталувчи "назария" илгари сурилди. Гуё бу "кичик кушиклар" уз - узича тупланиб кейинчалик Гомернинг хар иккала дostonи вужудга келган эмиш. «Уруг назарияси» деб ном олган бошка бир нуктаи назарга кура «Илиада» ва «Одиссей»га даст аввал кичикрок бир поэма (уруг) асос булган, сунгра вақт утиб бориши билан; шоирларнинг янги авлодлари ижоди натижасида унга тавсилотлар ва янги эпизордлар кушилиб борган. Унитарийлар (якка автор тарафдорлари) Гомер дostonларининг яратилишида<sup>1</sup> халк

---

<sup>1</sup> 1. Практикум по истории древнего мира совет. Просина Н.Л. Савичкан. С. М. 1972

2. Всемирная История. Т.И.М1955

ижоди жиддий катнашганлигини инкор қиладилар ва бу дostonларни Гомер яратган бадий асар деб қарардилар.

XIX асрнинг охирларида «Илиада» ва «Одиссей» коллектив эпик халқ ижодиётининг тадрижий табиий ривожланиши натижасида халқдан келиб чиққанлиги ҳақидаги назария илгари сурилади. XIX аср охири XX асрнинг бошларида синтетик назариялари пайдо бўлди, бу назарияларга қара «Илиада» ва «Одиссей» халқ эпосидан иборат бўлиб, кейинчалик уларни халқ орасидан чиққан бир ёки икки гениал шоир ишлаб мукаммаллаштирган.

Ҳар икала дostonнинг сюжетлари мекена даврига бориб тақаладики, буни XIX ва XX асрнинг учунчи чорагида топилган қупдан – қуп археологик материаллар тасдиқламоқда. Бу дostonлар асрлар давомида яратилганлиги сабабли, уларда қамида турли ўч давр: Крит – мекена даври, эраמידан аввалги XII асрнинг охиригача, асл Гомер даври, эраמידан аввалги VIII – VII асрлар ўз аксини топган. Турли вақтларга оид бу элементлар дostonларнинг мазмунида аралаштириб ўборилган. Лекин шу нарсани етарли даражада қатъий аниқланган деб ҳисоблаш мумкинки, дostonларда тасвирланган ижтимоий муносабатлар асос эътибори билан дорийлар қучишидан кейинги Греция ўчун характерлидир.

Уша даврдаги қадимги грекларнинг ҳарбий ва тинч турмиши ҳар бири тугалланган юксак бадий аср бўлмиш

---

3. Истории древней Греции. под. ред..В.И.Кузিশина м,1986

4. Қадимги дуне тарихи. 2-қисм. С. Қрушқол таҳрири остида Т.1975

достонларда айникса муфассал ва ёркин акс эттирилган. «Илиада» нинг сюжети шундан иборатки, фессалияликлар кахрамон Ахилл Трояни камал килган грек кушинларининг сардори Агаменон унинг гузал асирасини тортиб олгани учун газабланади. Достондаги воқеа бир неча кун давом этади, лекин достонга уланган хикоялар оркали биз ундан олдин ва кейин булиб утган воқеаларни билиб оламиз.

«Одиссей»нинг сюжети шундан иборатки, греклар Трояни вайрон килганларидан кейин Грециянинг гарбий сохилларида жойлашган кичкина Итака оролининг подшоси зукко Одиссей уз ватанига кайтиб келади. Одиссей кайтиб келганида дегизлар худоси Посейдонни газаблантиради ва унинг томонидан ун йил сарсон – саргардон булиб юришга махкум этилади. Бу достондаги воқеа ҳам атига бир неча кун давом этиб, Одиссейнинг сарсон булиб юрган охирги йилидан бир неча кунлик воқеа тасвирланади. Одиссей бу воқеани ватанига кайтиш олдидан унга саройдан жой берган афсонавий Схерия оролининг подшосига хикоя килиб беради. Достон Одиссейнинг Итакага кайтиб келиши билан тамомланади.

Ёркин тасвирланган Гомер достонлар материали асосида комил ишонч билан шуни кайд килиш мумкинки, эрамиздан аввал II ва I минг йилликлар сархадида ер жамоаси мавжуд булиб, унда ердан тенглик билан фойдаланилган ва ер доимо кайта – кайта булиниб турган. «Илиада»да олинган куйидаги парча буни курсатиб турибди.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup>Практикум по истории древнего мира. Сост. Просина Н. Л. М. 1972.

... Икки киши умум пайкал уртасида тураркан,  
Кулларида улчагичу бахс айлашар уватда,  
Ердан олай улушим деб улар килишар жанжал...  
(XII, 421 – 423. Мухаммад али таржимаси).

Оддий жамоа аъзолари асосан арпа ва сабзавот экар эдилар. Чорвачилик тараккий килган эди. Жамоа аъзолари ер участкаларини чек ташлаб олганлар. Ер участкасини «клер» деб аталишини узи хам шуни курсатиб турибди:

«клер» сузининг айнан таржимаси «чек» демакдир. Бирок жамоа аъзолари орасида мулкый табакаланиш бошланган булиб, уруг аристократияси ажарлиб чикмокда эди. Бу аристократиянинг каттароклари, яни кабила бошликлари мекена даврида мерос килиб олинган термин билан «басилейлар» деб аталар эди. Басилейлар уз кариндошларига жамоа ерларидан катта – катта участкалар «терминлар» (бу термин хам макена давридан мерос булиб колган) ажратиб бера бошладилар. Терминларда аристократлар арпа ва бугдой экар, токзорлар, полизлар, боглар курар эдилар. Аристократлар йирик вам айда чорва молларининг катта – катта подаларига эгалик килганлар. Лекин басилейлар асосий эътиборини дон етиштиришга қаратганлар. Чунончи, рассомнинг Ахилл калконида чизган турмишга оид машхур манзараларда жамоа еридаги кишлок хужалик ишлари, сунг басилей («подшо») терминида (участкасидаги) кишлок хужалик ишлари акс эттирилган.

---

2. История древней Греции. Под. ред. Кузишина В. И. 1986.

3. Кадимги дунё тарихи. II қисм. Т. I 1975.

Кейин подшо булагини боплаб чизган мусаввир:

Уткир урок билан урар мардикорлар хосилни.

Бирин – бирин ер багирлаб колмокдалар бошкалар,

Гарамчилар похол чилвир билан боглар пайдарпай.

Орта яна уч богловчи. Болакайлар уларга.

Сочик ётган бошокларни келтирарлар кучоклаб.

Уртарокда барчасига термилганича турар жим,

Подшо асо тутган кулда, дида шодлиги чексиз.

(Илиада, XVIII, 550 – 557 Мухаммад Али таржимаси).

Бу вақтда бой хужайинларга батрак булиб ишлайдиган камбағоллар – петлар ва хатто уз уругдошлик жамоаси билан алокасини йукотган кишилар – зур – барзур кун куришга ва гадойлик килишга мажбур булган мотанастлар пайдо булган. Хали утмишдаги кучишлар ва истилолардан какшаб колган жамоа аста – секин парчаланиб кетган. Достонларнинг мазмунига караганда, бу даврда уз жамоалари билан алокасини йукотган купгина дарбадар хунурмандлар булган. Бу хунармандларнинг махоратига мухтож булган хужайинлар натурал ҳақ бараварига ёнлаганлар. Улар хунармандларни керакли материаллар билан таъминлаганлар. Касб – хунарлар хали куп тармоқларига булиниб кетмаган эди. Кули гул деб аталувчи усталар хали куп булган. Хатто басилейлар айрим хунарлардан хабардор булганлар ва бу билан фахрланганлар. Крит – мекена даврига нисбатан хунармандчилик техникасининг бир қадар пасайиб кетганлиги сезила бошланди. Бирок шундай хунармандлар хизматига мухтож

истемолчилар тобора купайиб борди<sup>3</sup>, чунки ибтидоий муносабатларнинг бузилиши процесo эндиликда ялпи тус олган эди. Бу холл касб – хунарларининг нисбатан тез такомиллашувига ва ихтисослашувига кумаклашди. Темирчилик, дурадгорлик, кулолчилик, кунчилик, тукувчилик, заргарлик ва бошка касб – хунар ривож топди.

Савдо – сотик кам ривожланди. Басилейларнинг хужаликларидаги ортикча буюмларни денгизнинг нариги томонидан келтирилган молларга алмаштирганлар. Корамол – букалар айрибошлаш тавари булиб колган. Савдо – сотик талончилик ва денгиз карокчилиги билан боглик эди. Шу хилдаги савдо – сотик тасвироти «Илиада» ва «Одиссея» дан мавжуддир. Бу достонларнинг авторлари кишлок хужалиги ва хунаrmандчилик билан шугулланувчи кишиларга иззат – икром билан карасалар савдогарларга ёмон куз билан карайдилар. Бу хол яна Гомер давридаги хужалик натурал характерда эканлигини курсатди.<sup>4</sup>

Кабилаларара урушлар тез – тез булиб турар эди, турли кабилалар ахолиси аралаш – куралаш булиб кетар эди. Шу сабабли кабила бошликлари – филобасилейлар («фила» - «кабила» демакдир) кабилани идора килишдан кура купрок айна кабила территориясида яшовчи ахолини идора киладиган булдилар. Бу территорияни эркак

---

<sup>3</sup> Практикум по истории древнего мира. Сост. Просина Н.Л.М.1972

Хростоматия по истории древнего мира. Под рад. Ю.С.Курушкол.

<sup>4</sup> Античная Греция. Под. ред. Е. С. Голубцовой. М, 1983.

История древней Греции. Под. ред. В. И. Кузищина. М., 1986.

Бойназаров Ф. Антик дунё. Тошкент, 1989.

жангчиларининг ёш авлоди куриклар, худди ана шу жангчилар айна жойнинг хакикий кучи эдилар. Бу лашкарга басилей кумондончилик килган, у гарчи кабила бошлиги деган унвонни саклаб колсада, хакикатда махаллий лашкар бошлиги эди. Уруг ва кабила халк йигинлари аста – секин мазкур жангчилар хал килувчи рол уйнайдиган йигинларга айландилар.

Басилей мансаби аста – секин муайян бир аристократик уругида наслдан – наслга мерос булиб утадиган мансабга айлана боради. Кадим замонда уруг оксоколларининг кенгаши сакланиб колган булиб, у басилей хузуридаги маслахат органи хисобланган. Басилей ва оксоколлар кенгаши уз карорларини аксарияти жангчилардан иборат халк йигинининг мухокамасига ва тасдикига хавола килганлар.

Вакт утиши билан, мулкый табакаланиш, асосий аҳолии оммасининг бирлашуви, уруг аристократиясининг бойиши, камбагалларнинг бой кушинларига иктисодий карамлиги тобора ошиб борганлиги сари патриархат давридаёк пайдо булган кулик ривожланиб борган сари, халк йигинларининг роли камайиб борган. Бунини биз «Илиада» достонида Троя ёнида грек жангчиларининг йигини ёркин тасвирлаб курсатилганидан ва «Одиссея» да Итака ороли аҳолисининг йигини тасвиротидан куриб турибмиз. Бу манзаралар Гомер жамиятида вужадга келган социал зуддиятларни акс эттиради<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Фролов Э. Д. Рождение греческого полиса. Л., ЛГУ, 1988.

Троя ёнида жангчилар йигини грек кушинларининг сардори Агаммемнон томонидан Троя камалининг ун йилга чузилиб кетганлиги муносабати билан уларнинг жанговор руhini синаб куриш мақсадида чакирилган эди. Йигинда оддий жангчиларнинг кайфиятини ифодалаб нутк сузлаган Терсит басилейларни фoш килиб ташлаган. Шуниси кизикки, задагонларнинг вакиллари Терсит куйган айбларни рад килолмаганлар. Басилейлар учун нохуш булган Терсит нуткини Одиссей тухтатган. У Терситни тутиб олиб урган<sup>6</sup>.

Халк йигинининг ахамияти батамом тушиб кетганлиги «Одиссея» да очик – ойдин тасвирланган. Итако оролида Одиссей 20 йил йук булган давр мобайнида халк йигини умуман чакирилмаган. Одиссейнинг угли Телемак йигинни чакирганда эса йигинга келган кишиларнинг хеч бири йигин ким томонидан ва нима учун чакирилганлигини билмаган. Бу йигин унда хозир булган аристократларнинг бири томонидан тусатдан ва узбошимчалик билан ёпилган, чунки Телемак халк мухокамасига хавола килган масала унга ёкмаган.

Гомер жамиятида патриархал кулик мавжуд булиб, у басилейларнинг хужаликларида жорий этилган. Куллар асосан харбий асрлардан тупланган, бундан ташкари уларни

---

Маринович Л. П. Греческое наёмничество IV в до н.э. и кризис полиса. М., 1975.  
Глускина Л.Н. Проблемы социально-экономической истории Афин IV в. до н.э. Л., 1975.

Доватур А.И. Рабство в Аттике IV-V вв. до н.э. Л., ЛГУ, 1980.  
История Древней Греции. Под. ред. В.И. Кузищина. М., 1986.

<sup>6</sup>Яйленко В. П. Греческая колонизация VII-VI вв. до н.э., М., 1982.  
История древней Греции. Под. ред. В. И. Кузищина. М., 1983.  
Античная Греция. Под. ред. Е. С. Голубцовой. М., 1983.  
Бойназаров Ф. "Антик дунё". Тошкент, 1989.

карокчилар ҳам келтириб сотганлар. Куллар савдогарлар томонидан сотилган холлар ҳам булган. Кулдорнинг хужалигида тугилган куллар ҳам булган. Эркак куллар чупон килиб ва богбон килиб ишлатилган. Кул чурилар ҳам куп булиб, уларни уй – рузгор ишларида оксоч, яргичокда ун тортувчи мато тортувчи сифатида ишлатганлар. Хар кандай итоатсизлик учун хужайин кул ёки чурини каттик кийнаб улдира олган.

Дорийларнинг кучиб бостириб келиши грек кабилаларининг энг катта кучиш харакати эди, шундан кейин Шимолий Грецияда ва кичик Осиёнинг шимолий – гарбий соҳилида золийлар мустаҳкам урнашиб олганлар. Пелопеннеста, Крит оролида Эгей денгизининг жанубий оролларида ва Кичик Осиё Гарбий соҳилининг жанубий кисмида дорийлар урнашиб олганлар. Кадимги ахейликлар Пелопеннеснинг шимолий ва марказий кисмида яшаб колганлар ва уларнинг анчагина кисми дорийлар истилосидан сунг Кипрда урнашиб колган.

Гомер даврида кадимги грек динининг асосий белгилари таркиб топган, бу динни одатда Фессалия ва Македония чегарасида жойлашган Олимп тоғи номи билан олимп дини деб атайдилар. Кадимги греклар бу тоғнинг корли чуққисининг уз мабудалари худоларининг маскани деб хисоблаганлар. Уларнинг диний тасаввурларига кура худоларнинг уч авлоди мавжуд булган. Кекса авлодларни кичик авлодлар ағдариб ташлаганлар. Кадимги истилолар ва кабилалар орасидаги кураш кадимги греклар онгида ана

шу тарика фантастик формада акс этиб колган. Учинчи авлодга мансуб худоларнинг бошлиги зевс булиб у момакалдирок ва чакмок худоси табиатни ишлаб чиқарувчи кучлари худоси ҳамда худоларнинг ва одамларнинг отаси ҳисобланган синфий жамият ривожланган олимп худолари кулдорларининг химоячилари булиб колганлар зевс бош басилей сифатида дунени идора қилган у бошқа олимп худолари билан кенгашсада лекин унинг фикри ҳал қилувчи рол уйнаган. Сиртданолимп худолари аристократларга ухшаш булган олимп динининг шаклланиши даври уларнинг ҳаёлий ташкилотига ва уларнинг ташқи киефасиг ана шу тарика акс этган бу дин уз илдизлари билан критмекена даврига бориб такалади.

**Адабиётлар.**

1. Практикум по историю древнево мира совет. Просина Н.Л. Савичкан. С. М. 1972
2. Всемирная История. Т.И.М1955
3. Истории древней Греции. под. ред..В.И.Кузишина м,1986
4. Кадимги дуне тарихи. 2-кисм. С. Крушкол тахрири остида Т.1975